Қувур узатгичларнинг қамчилиги - уларга металл сарфининг қуп миқдорда бўлиши ва узатиш трассасининг қаттиқлиги, яъни қувур ётқизилгандан сунг унинг йуналишини узгартириш мумкин эмас.

Нефт ва газни конларда тайёрлаш учун ҳар хил турдаги асбоб -ускуналар ишлатилади. Бу асбоб-ускуналар нефтдан эриган газни тўлиқ ажратиб олиш, нефтни қатлам сувларидан тўлиқ тозалаш, нефт таркибидаги тузларни ювиш ва қум заррачаларини ажратиб олиш учун хизмат қилади.

Бу асбоб-ускуналарга ажраткич, тиндиргич, қиздиргич, совутгич, аралаштиргич, электродегидратор, сақлагич ва бошқа шу кабилар киради.

Ажраткичлар турли кўринишда ишлаб чиқарилади ва қуйидаги ишларни бажаради:

- 1) нефтда эриган газни ажратиб олади;
- 2) нефтгаз оқимини аралашинини камайтиради ва шу билан гидравлик қаршиликларни пасайтиради;
- 3) нефтгаз аралашмасини ҳаракатидан ҳосил бўлган кўпикларни йўқотади;
- 4) нефтдан сувни ажратиб олади;
- 5) оқим ҳаракатини номунтазамлигини йўқотади;
- 6) маҳсулотни ўлчайди.

Ажраткичларнинг қуйидаги таснифи мавжуд:

- а) ишлатилиш мақсади бўйича-ўлчовчи-ажратувчи ва ажратувчи;
- б) геометрик шакли бўйича - цилиндрик, шарсимон;
- в) ўрнатилишга қараб - тик, қия ва ётиқ;
- г) асосий ажратиш учун таъсир этувчи кучлар бўйича - гравитация, марказдан қочма ва инерция кучлари;
- д) ишлатиш босими бўйича-юқори босимли (6,4-2,5 МПа), ўрта босимли (2,5-0,6 МПа), паст босимли (0,6-0,1 МПа) ва вакуумли;
- е) уланган қудуқлар сони бўйича-битта қудуқ учун ва қудуқлар гуруҳи учун;
- ж) ажратадиган фазалари бўйича-икки фазали (газ-нефт) ва уч фазалик (газ-нефт-сув).


Тиндиркичларнинг асосий вазифаси нефт эмулсияларини қиздиркичдан чиққан оқимини қабул қилиб олиб ундан сувни ажралиб чиқишини таъминлайди.

Нефтдан сув ажралиб чиқишни ҳар иккала суюқликларни зичликлари орасидаги тафовут ҳисобига бўлади. Тиндиркични остки қисмида сув йиғилади ва сувни юзасига нефт ажралиб чиқади. Тиндиркич остига қум заррачалари ҳам ўтириб қолади. Тиндиркичдан сув чиқариб юборилаётганда қум заррачалари ҳам сув билан бирга чиқиб кетади ва махсус тозалакичда сувдан ажратиб олинади.


Қиздиркичлар ва совуткичлар кўпроқ газ тайёрлашда ишлатилади. Улар газдаги конденсатни ажратиб олиш ва газни меёрий ҳолатга келтириш учун хизмат қилади.

Аралаштиркичда нефтни чучук сув билан аралаштирилиб, унинг таркибидаги тузлар ювилади.

4-расмда тик нефтгаз ажраткичи ва 5-расмда ётиқ нефтгаз ажраткичларини чизмалари келтирилган.



4-рasm. Тик ажраткич



5-рasm. Ётиқ ажраткич

Электродегидраторлар нефт билан бирга эмулсия ҳолда чиққан катлам сувларини ажратиб олиш учун хизмат қилади. Эмулсияни парчалаш (ёки сувни ажратиб олиш) махсус электродларга электр қуввати юборилиши натижасида сув томчилар бир-бири билан бирлашиб кетади ва секин-аста электродегидратор тагига ажралиб чиқади.

Эмульсия ҳолатидаги нефт-сув аралашмасини парчалаш учун деэмульсация аппаратларидан ҳам фойдаланилади. Бу аппаратларда махсус реагентлар - деэмульгаторлардан фойдаланилган ҳолда эмульсиялар парчаланadi.

Сақлагичлар тайёр нефт маҳсулотини вақтинчалик йиғиш учун омборхона сифатида қўлланилади.

Нефт конларида одатда 100, 200, 300, 400, 700, 1000, 2000, 3000, 5000 м³ ҳажмдагилари ишлатилади. Темир йўл нефт қуйиш эстакадасига қарашли омборхоналарда 7500 ва 10000 м³ сақлакичлар ҳам қурилиши мумкин.

3.2. Магистрал газ йиғиш қувурларида гидратларни ҳосил бўлиши ва уларни бартарафлаш

Кондан казиб олинаётган табиий газлар таркибида каттик заррачалар (кум, коррозия маҳсулотлари), оғир углеводородлар (конденсатлар), сув буги, водородсульфид, ис гази ва инерт газлар учрайди.

Газ таркибида механик қушимчаларнинг булиши газ билан узаро таъсирда булган қувурни, компрессор металл қисмларини ва бошқа жихозларни эрозик емирилишига олиб келади. Бундан ташқари механик қушимчалар қувурга урнатилган арматураларни, улчаш асбобларини ифлослантириб ишдан чиқаради, ҳамда қувурни маълум қисмларида йиғилиб қолиб, уни қирқим юзасини камайтиради. Бу уз навбатида газ утказувчанлик қобилятини камайтиради. Газ таркибида оғир углеводород (конденсат)лар булиши қувурнинг паст жойларида суюқ ҳолатга утиб йиғилади ва қувурнинг утказувчанлигини ёмонлаштиради, ҳамда қувурни занглашига олиб келади.

Газ таркибидаги намликлар, маълум шароитда газ аралашмаси билан қорсимон қуринишидаги газ гидратларини ҳосил қилади, қувурнинг утказувчанлигини ёмонлаштиради, ҳатто бутунлай утказмайдиган қилиб қуйиб авария ҳолатларини содир қилиши мумкин. Масалан: $\text{CH}_4 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$; $\text{C}_2\text{H}_6 \cdot 8\text{H}_2\text{O}$; $\text{C}_3\text{H}_8 \cdot 17\text{H}_2\text{O}$; $\text{C}_4\text{H}_{10} \cdot 17\text{H}_2\text{O}$.

Газ таркибидаги водородсульфид зарарли қушимча булиб, унинг ҳаводаги миқдори 0,01 мл.гр/л дан ортиқ булганда, иш зоналари учун жуда хавфли ҳисобланади. Газ таркибида унинг булиши металл ва жихозларни занглашини тезлаштиради ва авария ҳолатларини қупайтиради. Олинаётган газ таркибида ис газини булиши ёниш иссиқлигини камайтиради.

Газ совиганда музлашини олдини олиш мақсадида Т-1202ни қувур ички қисмига 80%ли ДЭГни махсус пуркагичлар ёрдамида пурқаб турилади. Т-1202да -2 ; $+2^\circ\text{C}$ гача совуб чиққан табиий газ 9,8-10,1 МПа босим билан редуцирлаш ва эжектирлаш блокига узатилади ва у ерда босим 5,6-5,72 МПа га тушади, ҳамда харорат Жоуль-Томсон дроссел эффекти ҳисобига -13°C дан -18°C гача совуйди.

-13°C : -18°C гача совуган табиий газ 5,6-5,7 МПа босим билан учинчи босқич паст босимли ажратгич С-1203 га узатилади. С-1203 да тезлик ва йуналиш узгариши ҳисобига дроссель эффектига биноан совуш натижасида суюқ моддалар тулик ажралади. С-1203 тик цилиндрик идиш булиб, газни қуриш жойида газни суюқликлардан ажратиш учун махсус сетка қуйилган булиб, бу газ оқимидаги суюқликларни тулик ушлаб қолишга мулжалланган.

Қурилган табиий газ С-1203 ажратгичдан тугри Т-1202 ни қувурлараро булимига узатилади. У ердаги қувур ичидан келаётган қуриш гази ҳисобига $+15^\circ\text{C}$; $+25^\circ\text{C}$ гача қизийди.

T-1202дан чиккан куритилган табиий газ T-1201ни кувурлараро бушлигига узатилади ва у ерда кириш гази харорати хисобига +40°Cдан +50°Cгача кизийди ва умумий кувур оркали кейинги боскич газга ишлов бериш учун ишлатилади. Биринчи ва иккинчи боскич ажратгичда ажралган конденсат 9,8дан –10 МПа босим ва +38°C; +45°C харорат билан конденсатни баркарорлаштириш курилмасига узатилади.

Паст хароратли ажратиш курилмасидан чиккан конденсат туйинган ДЭГ аралашмаси 5,6-5,7 МПа босим ва –13°C; -15°C харорат билан ДЭГни тозалаш курилмасига узатилади.

3.3. Газ таркибидаги оғир углеводородларни ажратиш ва куритиш

Кушимчаларни салбий окибатларини хисобга олиб, газни истеъмолчига жунатишдан олдин уни куритиш, оғир углеводородлардан ажратиш ва бошка кушимчалардан тозалаш керак булади. Ундан ташкари, газ хидини сезиш учун унинг таркибига хид берувчи кимёвий бирикмалар- одоронтлар кушиш керак булади. Бу ишларнинг хаммаси бош курилмада жойлашган газни комплекс тайёрлаш курилмаларида амалга оширилади.

Жунатишга тайёрланган газнинг таркиби куйидаги тармок андозасига жавоб бериши (ГОСТ 5140-83) керак:

1.1 м3 газдаги механик кушимчаларни оғирлиги 0,003 гр (0,3м2) дан ортик булмаслиги;

2.1 м3 газдаги водородсульфиднинг оғирлиги 0,2 м2 дан ортик булмаслиги;


3.Хажм буйича, кислороднинг хажмий улуши 1%дан ортик булмаслиги;

4.Намлик буйича, газнинг шудринг нуктаси ёзда 0°C, кишда – 5°Cдан катта булмаслиги керак (уртача иклимли жойларда). Совук жойларда: ёзда – 10°C, кишда 20°C дан катта булмаслиги керак.

Газ таркибидаги оғир углеводородлар физик усул ёрдамида ажратиб олинади. Газ таркибидан оғир углеводородларни ажратиб олишнинг физик усулларига компрессор, адсорбция, абсорбция ва паст хароратли ажратиш усуллари киради.

Газ таркибидан оғир углеводородларни ажратишнинг паст хароратли ажратиш усули кенг таркалган усуллардан биридир. Бунда газ ва конденсатни ажратиш паст хароратли ажратгичда амалга оширилади. Бунинг учун газ ва конденсат аралашмасининг босими максимал конденсат ажралиш босимгача кктарилиб ажратгичга киритилади, у ерда аралашманинг босими камаяди ва харорати пасаяди. Натижада, бу холатда былган оғир углеводородларни газдан ажралиши содир бўлади. Куйида унинг умумий технологик чизмаси ва жараёни баён этилган.

1. Кудуклар; 2. Дроссел шайбаси; 3. Ажратгич; 4. Конденсат йигувчи идиш; 5. Иссиклик алмаштирувчи мослама (теплообменник); 6. Босимни меъёрлаб турувчи дроссел шайбаси; 7. Вертикал ажратгич(сепаратор); 8. Горизонтал паст хароратли ажратгич(сепаратор).



турувчи штуцер; 7. Вертикал ажратгич(сепаратор); 8. Горизонтал паст хароратли ажратгич(сепаратор).

Кудуклардан (1)олинган газлар дроссел шайбаси (2)оркали, томчи ажратувчи паст хароратли ажратгич (3)га келади. Дроссел шайбасида газ конденсат аралашмасининг босими максимал конденсат ажралиш босимигача кутарилади ва аралашмани харорати камайтиради. Натижада ажратгич (3)да газ ва конденсатнинг ажралиши содир булади. Ажралган газ иссиқлик алмашинувчи мослама (5)га келади. У ерда харорат камайиб, босимни мослаб турувчи дроссел шайбаси (6)га келади ва у ерда газнинг босими максимал конденсат босимигача кутарилади, кейин газ вертикал ажратгич (7)га тушади. У ерда батамом газ ва конденсатнинг ажралиш жараёни содир булади. Ажралган конденсат кувурига, газ эса газни хароратини меъёрловчи мослама (5) оркали кейинги тозалаш жараёнига узатилади.

Газлар таркибидан нордон газларни цеолит ёрдамида тозалаш

Адсорбция деганда - биз газлар таркибидан бир ёки бир неча кушимча компонентларни каттик ютувчи яъни, адсорбентлар ёрдамида тозалаш жараёнини тушинамиз. Ютувчи модда адсорбент ютилувчи моддани адсорбат ёки адсорбтив деб атаймиз. Адсорбция жараёнини механизми абсорбция механизmidан фаркли уларок, ундан суюк ютувчи ёрдамида эмас, балки каттик ютувчилар ёрдамида амалга оширилади. Бу усулларнинг узини куллаш меъёрлари мавжуд булиб, кулланганда юкори техник, иктисодий самара бериши хисобга олинади. Адсорбция усули асосан ютилувчи суюкликлар концентрацияси юкори булмаган холда кулланилади. Агар ютилувчи суюклик концентрацияси юкори булса, абсорбция усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Адсорбциянинг физик ва кимёвий турлари мавжуд булиб, физик адсорбция жараёнида адсорбент ва адсорбат молекулалари Ван-Дер-Ваальс кучи таъсирида узаро тортишиш кучи таъсирида амалга ошади.

Газни таркибидаги олтингугуртни цеолит ёрдамида тозалаш схемаси.

Номи:	Цеолит ёрдамида олтингугуртдан тозалаш
Лойихаловчи ташкилот:	Гипрогазоочистка (Москва ш.)
Лойиха буйича тозалаш куввати (олтингугурт):	5та блок, хар бири 4 млрд.м ³ /йил (500 минг м ³ /с)
Ишга туширилган йил:	1985-1997й.

Бир блокнинг асосий технологик курсаткичлари:

Номи	Харажатлар минг м ³ /с	Концентрация H ₂ S, г/м ³	Шудринг нуқтаси °С
Олтингугурт газ	500	1000	Минус 8
Тозаланган газ	410	20	Минус 60
Регенерация газ	65	3%	
Цеолит СаА		8та адсорберга 600 т.	
Цеолитнинг ишлаш муддати		3 йил	

Цеолит ёрдамида олтингугуртдан тозалаш адсорбцион усулда амалга оширилади. Бунда цеолитлар ёрдамида, яъни кальций А (СаА) билан 5 та блок учун 8 та адсорбер бор.

Кимёвий адсорбция

Кимёвий адсорбция жараёнида ютувчи ва ютилувчилар молекуласи кимёвий бирикишлар натижасида амалга ошади.

Адсорбент сифатида говак, каттик моддалардан фойдаланилади. Адсорбент хар хил диаметрли капиляр каналча-говаклари мавжуд. Улар шартли равишда куйидагича булади:

Макроговак ($2 \cdot 10^{-4}$ мм дан катта), говак ($6 \cdot 10^{-6}$ дан $2 \cdot 10^{-4}$ мм), микроговак ($2 \cdot 10^{-6}$ – $6 \cdot 10^{-6}$ мм).

Саноатда ютувчи сифатида актив кумир ва минерал адсорбентлар (силикогель, цеолит ва бошкалар), шу билан биргаликда синтетик смолалардан фойдаланилади.


«Шуртаннефтегаз» УШКсида газларни тозалашда цеолитлардан фойдаланилмоқда.

Газларни механик кушимчалардан тозлаш чанг ушлагичларда амалга оширилади. Бу ажратгичлар асосан газни, компрессор станциясигача ва газни таксимлаш станциясигача кириш олдидан урнатилади. Улар тузилиши билан фарк килиб, хул ёки курук фильтрлаш принципи билан ишлайдилар (циклон ёки чанг ушлагичлар).

Юкорида курсатилган барча кушимчалардан тозаланган газ хидлантирилади. Хидлантирувчи модда сифатида этилмеркаптан C₂H₅SH ишлатилади. Хидлантириш жараёни «барботаж» аппаратида содир этилиб, 1000 м³ газга 16 гр. этилмеркаптан кушилади. Тозаланган табиий газ бош иншоотда жойлашган бош компрессор ёрдамида магистрал газ кувурга хайдалади.

Газни олтингугуртдан тозалаш.

Газни олтингугуртдан тозалаш учун этаноламин эритмасидан фойдаланилади. Агар аммиак (NH₃) молекуласининг бир атом водородини C₂H₅O группаси билан алмаштирилса, моноэтаноламин NH₂ (C₂H₅O) икки атом водородини алмаштирилса диэтаноламин, уч атом водородини аламаштирилса триэтаноламин хосил булади. Барча этаноламинлар водородсульфид билан бекарор бирикма хосил килади. Шунинг учун газни тозалашда купрок фойдаланилади. Моноэтаноламин билан водородсульфиднинг узаро таъсири куйидаги реакция орқали ёзилади:



Бу кайтар реакция бўлиб, оддий шароитда бу реакция чапдан уннга, яъни моноэтаноламин водородсульфидни ютади. Харорат 70-100 °Сга кутарилса эса, реакция унндан чапга харакатланади.


Этаноламинларни асосий хоссалари жадвали.

<i>Кўрсаткичлар</i>			
Кимёвий формуласи	C ₂ H ₅ ONH ₂	(C ₂ H ₅ O) ₂ NH	(C ₂ H ₅ O) ₃ N
Зичлиги, кг/м ³	1018	1101	1120
Молекуляр	61	105	149
Эрувчанлиги, %да:			
<i>Сувда</i>	100	100	100
<i>Углеводородда</i>	0	0	0

20 – 40 °Сда водородсульфид ва ис газни ютилади, тўйинган эритмани 105-170°Сга киздирилганда ажралиб чиқади.

Тозалаш учун узатилаётган газ 1-ажратгичга узатилади. Бу ерда МЭА эритмаси абсорберда кўпикланмаслиги учун тўлиқ конденсат ажратиб олинади. Водородсульфид ва ис газдан газни тозалаш жараёни абсорбер 2-да амалга оширилади. Абсорбер юқори қисмидан МЭА эритма III-га узатилади, пастдан газ узатилади. Абсорбер юқори қисмидан тозаланган газ II-га чиқади ва истеъмолчига жўнатилади. Водородсульфид ва ис газни билан тўйинган эритма IV-абсорбернинг пастки қисмидан чиқиб, гидравлик трубина 3-га узатилади. У ерда эритма энергиясидан фойдаланилади. Шунинг учун эритма босими тезда пасаяди (мисол, Канададаги Римби заводида –67*10⁵дан 7*10⁵ Па). Бу ердан чиққан эритма экспанзер 4-га тушади. Унда абсорберда эритма орқали ютилган углеводородлар ажратиб олинади.

Тўйинган эритмани регенерация қилиш, яъни тозалаш десорберда амалга оширилади. Десорберда иссиқлик ва мой алмашинишини таъминловчи тарелкалар жойлашган. Бу жараён десорбер пастда қайнатгич ёрдамида киздириш натижасида эритманинг буғланиши ва десорбер юқори қисмидан киритилаётган буғ - газ аралашмаси конденсатини суғориш (орошения) натижасида эришилади.




МЭА эритмаси билан газни тозалаш курилмасининг технологик схемаси.

Расм. МЭА эритмаси билан газни тозалаш умумий чизмаси

I - газ тозалашга; II - тоза газ; III - тозаланган эритма (МЭА); IV – тўйинган МЭА эритмаси;
V - нордон газ.

1 - ажратгич (сепаратор); 2 - абсорбер; 3 - насос билан гидравлик турбина; 4 - экспанзер; 5,10 - совутгичлар; 6,12 - насослар; 7 – йиғувчи тиндиргич; 8 - иссиқлик алмаштиргич; 9 - десорбер; 11 - сепаратор; 13 - буғ иситувчи (пароподогреватель).

Эритмани тўлиқ тозалаш жараёни шу ҳолда амалга оширилади. Тозаланган эритма десорбердан сиқиб иссиқлик алмаштиргич 8-да тўйинган моддага иссиқлик беради ва йиғувчи тиндиргич 7-идишга узатилади. Йиғув идишидан эритма насос 6-ёрдамида совутгич 5 га узатилади. 5-дан ўтган эритма гидравлик турбинали насос ёрдамида абсорбер юқори қисмига узатилади.



Десорбция жараёни вазифаси. Десорбер юқорисидан чиқаётган буғ-газ аралашмаси совутгич 10-да яхлитланади ва ажратгич 11-да нордон газ ва флегмага ажратилади. Бу ердан нордон газ олтингугурт цехига юборилади. Флегма эса десорбер юқори қисмига 12-насос ёрдамида узатилади.

4.1. ГАЗДАН ОҒИР УГЛЕВОДОРОДЛАРНИ АЖРАТИШ ЖАРАЁНИ ҲИСОБИ

Газдан оғир углеводородларни ажратиш жараёнини икки усулда ўрганиш мумкин:

- 1) олинаётган маҳсулотларни бир неча кудуқлар гуруҳи бўйича ўлчаш ускуналаридаги ўлчов натижаларига кўра;
- 2) фазавий ҳолат тенгламаларидан фойдаланиб аналитик ҳисоблашлар асосида.

Ушбу иккала усул ҳам ўзаро мос афзаллик ва камчиликларга эга. Биринчи усулнинг афзаллиги шундаки, бунда кудуқнинг ҳақиқий ишлаш жараёнида узлуксиз ўлчаш олиб борилади. Бу усулнинг камчилиги эса нефт ва газ миқдорининг ноаниқ ўлчаниши, атроф муҳит ҳарорати ва сепаратордаги босимнинг ўзгарувчанлиги, сепаратордаги фазавий ўзгаришларнинг беқарорлиги туфайли газ омилини ҳар бир ўлчаганда турли қийматларнинг олинишидир.

Назарий жиҳатдан қараганда нефтдан газни ажратишнинг аналитик ҳисоблаш усули нисбатан асослидир. Лекин бундай ҳисоблашларнинг аниқлиги кўпинча қабул қилинган ҳисоблаш усули ва танланган мувозанат доимийсига боғлиқ экан.

Газни ажратиш жараёнини ҳисоблашда қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$\sum_1^n y_i = \sum_1^n \frac{Z_i}{N + \frac{L}{K_i}} = 1 \quad (1)$$

$$\sum_1^n X_i = \sum_1^n \frac{Z_i}{L + K_i N} = 1 \quad (2)$$

бу ерда: y_i - газ фазасидаги i -компонентнинг моль концентрацияси;

X_i - суюқ фазадаги i -компонентнинг моль концентрацияси;

Z_i - бошланғич аралашмадаги i -компонентнинг моль концен трацияси;

K_i - маълум ҳарорат ва босимда сепаратордаги аралашма i -компонентнинг мувозанат доимийси;

L ва N мос ҳолда суюқ ва газ фазадаги модданинг моль миқдори. (1) ва (2)

тенгламалар бўйича ҳисоблаш қуйидагича олиб борилади:

- 1) лаборатория тадқиқоти натижаларига кўра қатламдаги аралашманинг таркиби ҳақида маълумот ёзилади;
- 2) ҳарорат ва босимга кўра ажратиш шароити танланади;
- 3) чизма ёки жадваллардан мувозанат доимийси керакли системада танланади;
- 4) берилган босим ва ҳароратда ҳар бир компонент учун K_i катталиқ аниқланади;
- 5) N ёки L ($N+L=1$) катталиқ берилади ва (3) ёки (4) тенгламалар системасидан бири ҳал қилиниб,

$$\sum_1^n X_i \text{ (3) ёки } \sum_1^n y_i \text{ (4) топилади.}$$

Агар $\sum_1^n X_i = 1$ ёки $\sum_1^n y_i = 1$ бўлса, у ҳолда топшириқ тўғри ечилган бўлади ва қабул қилинган N ва L катталиқлар тўғри бўлади;

Агар $\sum_1^n X_i \neq 1$ ёки $\sum_1^n y_i \neq 1$ бўлса, у ҳолда қабул қилинган N ва L қиймат нотўғри бўлади ва бу катталиқларга бошқа қийматлар берилиб ҳисоблаш такрорланади.

Газ ва суюқ фазанинг тақсимланиши, шунингдек, алоҳида фаза таркибини соддалашган ҳисоби - жадвалда келтирилган.

Ажратилган нефть ва газнинг зичлигини ҳисоблаш учун 1 моль қўшилган аралашмадаги суюқлик массасини аниқлаш лозим. Ҳисоблаш натижаси - жадвалда келтирилган. - чи ва - жадвалларда C_7+ ва ундан юқори фракцияларнинг зичлиги 865 кг/м^3 ва молекуляр массаси 267 деб қабул қилинган.

$t = 30^\circ\text{C}$ да саноат нефтининг ўртача зичлиги

$$Q = \frac{G}{V} = \frac{0,104}{0,118 \cdot 10^{-3}} = 885 \text{ кг/м}^3.$$

газ омили

$$\Gamma = \frac{(1 - 0,420) \text{ моль} \cdot 24 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3 / \text{ моль}}{118,39 \cdot 10^{-6} \text{ м}^3} = 116 \text{ нм}^3 / \text{ м}^3.$$

- жадвал

Компо- нентлар	Қатлам аралаш- масининг таҳлили , Z_i	K_i	1- уриниш	2- уриниш	3- уриниш	Газ арала шмас ининг тарки би $Y_i=X_i$ - K_i	Мол екул яр масс а	Газ аралаш ма- сининг молекуляр массасида ги умуми
			$X_i = \frac{Z_i}{L + K_i N}$	$X_i = \frac{Z_i}{L + K_i N}$	$X_i = \frac{Z_i}{L + K_i N}$			
C_1	0,4241	185	0,0038	0,0040	0,0039	0,7302	16	11,71
C_2	0,0533	41	0,0021	0,0022	0,0022	0,0904	30	2,72
C_3	0,0467	11	0,0068	0,0071	0,0070	0,0756	44	3,33
C_4	0,0155	4,4	0,0051	0,0053	0,0052	0,0229	58	1,33
C_4	0,0202	3,5	0,0081	0,0083	0,0082	0,0287	57	1,67
C_5	0,0092	1,28	0,0079	0,0079	0,0079	0,0101	72	0,73
C_5	0,0086	1,0	0,0086	0,0086	0,0086	0,0086	72	0,62
C_6	0,0313	0,34	0,0522	0,0502	0,0506	0,0172	86	1,48
C_7	0,3911	0,018	0,9516	0,883	0,9064	0,0163	114,2	1,86
Жами	1,00	-	1,0462	0,9819	1,00	1,00	-	25,45

- жадвал

Компо- нентлар	Суюқ аралашма таркиби, X_i	Суюқлик- нинг аралашма- даги моль микдори, $L-X_i$	Суюқ моляр ҳажми $\text{см}^3/\text{моль}$	1 моль аралашма- даги суюқ ҳажми см^3 (3x4)	Моле- куляр масса	Суюқ массаси (3x6)
C_1	0,0039	0,0164	53,4	0,088	16	0,026
C_2	0,0022	0,00093	80,6	0,075	30	0,028
C_3	0,0070	0,00295	87,0	0,275	44	0,130

C ₄	0,0052	0,00219	103,4	0,226	58	0,127
C ₄	0,0082	0,00345	99,6	0,344	58	0,201
C ₅	0,0079	0,00333	115,7	0,385	72	0,246
C ₅	0,0086	0,00362	114,6	0,415	72	0,261
C ₆	0,0506	0,02130	130,0	2,769	86	1,835
C ₇	0,9064	0,33159	298,3	113,830	267	101,880
Жами		0,420		118,39		104,73

4.2. ГАЗ - НЕФТ АЖРАТКИЧЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

Конларда нефтни газдан ажратиш учун вертикал (тик), қия ва горизонтал (ётиқ) ажраткичлардан фойдаланилади. Газнефть ажраткичларининг ўтказувчанлик қобилятиларини аниқлаш етарлича мураккаб муҳандислик масалаларини ўз ичига олади. Айниқса ажраткичнинг ишчи катталикларига сезиларли таъсир "нефт-газ" системасининг дисперслиги кўрсатар экан. Охирги навбатда эса ноаниқ катталиклар ҳисобланади.

Шуларга мувофиқ ҳозирда гравитацион ажраткичларнинг маҳсулдорлигини ҳисоблашнинг фақат тахминий усуллари мавжуд.

Гравитацион газ ва нефть ажраткичларининг ўтказувчанлик қобиляти газ учун ҳам, суюқлик учун ҳам бир хил баҳоланади.

Вертикал гравитацион ажраткичнинг диаметри асосан газ сарфига боғлиқ бўлиб, у қуйидаги тенглама ердамида аниқланади:

$$F = \frac{Q_r v_r \rho_r}{3,77 \cdot m d^2 \rho_n}, \quad ()$$

бу ерда: F - ажраткич юзаси, см²; m=0,8:0,9 - ажраткич юзасидан фойдаланиш коэффициенти, тажрибаларда аниқланади; Q_r - ажраткичдаги босим ва ҳароратда газ сарфи, м³/кун; V_r - газнинг ажраткич шароитидаги кинематик қовушқоқлиги, см²/с; S_r ва S_n - мос равишда газ ва нефтнинг ажраткич босим ва ҳароратидаги зичликлари; d - нефть қисмининг диаметри.

Газ сарфи (Q_r) қуйидаги тенгламадан фойдаланиб ҳисобланади:

$$Q_r = (Q'_r - \alpha Q_n P) \frac{P_o T Z}{P T_o} \frac{m^3}{\text{кун}}, \quad ()$$

бу ерда, Q_r - нефть тўлиқ газсизланган шароитдаги газ миқдори, м³/кун; α - газнинг нефтда эрувчанлик коэффициенти, 1/МПа; Q_n - нефть миқдори, м³/кун; P - ажраткичдаги ишчи босим, МПа; P_o - атмосфера босими, МПа; T - газнинг ажраткичдаги мутлақ ҳарорати, °К; T_o=293°К - мутлоқ нормал ҳарорат; Z=0,8:0,9 - ажраткичдаги газнинг 1,5 МПадаги сиқилувчан лик коэффициенти (ажраткичдаги қуйи босимда Z кўрсаткичнинг қийматига яқин бўлади).

Ажраткичдаги шароитга келтирилган газнинг кинематик қовушқоқлик коэффициенти:

$$v_r = v_o Z \frac{P_o T_o + C}{P T + C} \left(\frac{T}{T_o} \right)^{0,5} \text{ см}^2 / \text{с}, \quad ()$$

Бу ерда: V_o - нормал шароитда (метан учун V_o=0,145 см²/с; газнинг кинематик қовушқоқлик коэффициенти; C=210 - газ учун ҳарорат доимийси.

Ажраткич шароитига келтирилган газ зичлиги қуйидаги тенгламадан топилади:

$$\rho_r = \rho_o \frac{PT_o}{P_oTZ} \text{ г/м}^3 \quad ()$$

Бу ерда, ρ_o -газнинг нормал шароитдаги зичлиги (метан учун $\rho_o=0,001 \text{ г/см}^3$).


Ажраткич юзасидан фойдаланиб унинг диаметри топилади:

$$D = 0,01 \sqrt{\frac{F}{0,785}} \text{ м.}$$

Ажраткичнинг тахминий диаметрини газнинг ўртача тезлигини ажраткичдаги босимга боғлиқлиги орқали аниқлаш мумкин:

$$D = \sqrt{\frac{Q_r P_o T}{V_{yp} \cdot 0,785 \cdot 86400 P T}} \quad ()$$

бу ерда: Q_r - нормал шароитда газнинг кунлик миқдори (0,1МПа босим ва 20°C ҳароратда), нм^3 ; V_{yp} - ажраткичдаги газнинг ўртача ҳаракат тезлиги, м/с; P_o , P , T_o , T юқорида кўрсатилган катталиклар.



Газнинг ажраткичдаги рухсат этилган ўртача ҳаракат тезлигининг босимга боғлиқлиги чизмадан аниқланиши мумкин.

Гравитацион ва гидроциклон ажраткичларда газнинг рухсат этилган ҳаракат тезлиги графиги

- жадвал

Ишчи кўрсаткичлари	Сон қиймати
Газ омили, $\text{нм}^3/\text{м}^3$	50
Кудук маҳсулоти, $\text{м}^3/\text{кун}$	200
Ажратиш босими, МПа	0,5
Ажраткичдаги ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	25
Нефтнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$	867
Бўлакнинг ҳисоблаш диаметри, см	0,01

Нормал шароитдаги газнинг қовушқоқлиги $V_0=0,145 \text{ см}^2/\text{с}$, зичлиги $\rho_o=0,001 \text{ г/см}^3$, газнинг нефтда эрувчанлик коэффиценти $\alpha=20 \text{ МПа}^{-1}$ деб қабул қилинади.

Нефть ва газ ажраткичларини газ учун тахминий ҳисоблаш усулларида бири куйидаги тенгламадан фойдаланишга асосланган.

$$Q_r = 67824 \frac{D^2}{Z} C \frac{T_o}{T} \left(\frac{\rho_n - \rho_r}{\rho_r} \right)^{0,5} \text{ нм}^3 / \text{кун} \quad ()$$

Бу ерда: С - мутаносиблик коэффиценти бўлиб, горизонтал ажраткичлар учун 0,119 га, вертикал учун 0,045 га тенг.

4.3. Газ ажраткичларнинг механик ҳисоби

Газ ажраткичларининг механик ҳисоби ажраткичнинг остки ва цилиндрик қисми деворларининг қалинлигини аниқлашдан иборат.

Диаметри $D=1,4 \text{ м}^2$, ишчи босими $P=2,4 \text{ МПа}$, ишчи ҳарорати 24^0С , эллиптик тагликка эга бўлган, Х18Н10Т коррозиябардош пўлатдан тайёрланган ажраткичнинг остки ва цилиндрик қисми деворларининг қалинлигини ҳисобланг.

Топшириқни бажаришда чидамликка синаш босими ишчи босимидан 2 марта катта бўлганлигини ҳисобга олиш керак. Эллиптик қопқоқ баландлиги Н билан ажраткич диаметри D нинг нисбати 0,25 га тенг.

Ички босимга эга бўлган цилиндрик юза деворининг қалинлиги куйидаги тенгламадан ҳисобланади:

$$\delta = \frac{PD}{2\delta_{\text{дох}}\varphi - p} + C, \quad ()$$

Эллиптик қопқоқнинг қалинлиги эса:

$$\delta = \frac{PR}{2\delta_{\text{дох}}\varphi - P} \quad ()$$

Бу ерда: Р - ортиқча ички босим; D - ажраткичнинг ички диаметри;
 $\delta_{\text{дох}}$ - рухсат этилган кучланиш; φ - пайвандланган чизиқ мустаҳкамлиги;
 с - коррозияни компенсациялаш учун ҳисобланган қалинлик ка қўшимча;
 R - таглик чўққисидаги қиялик радиуси.

$$R = \frac{D^2}{2H} \quad ()$$

Бу ерда, Н-ажраткич остининг (таглигининг) баландлиги.

Тўплаш учун рухсат этилган меъёрий кучланиш $\delta_{\text{дох}}=1460*10^5 \text{ Па}$. Ишлаш шароити коэффиценти одатдагидек 0,9 - 1,0 чегарада қабул қилинади. Пайвандланган чизиқнинг мустаҳкамлик коэффиценти $\varphi=0,8$ га тенг деб қабул қилинган (пайвандлаш бир томонлама автоматик). Ажраткичнинг ишлаш шароитига боғлиқ ҳолда коррозияни компенсациялаш учун қўшимга қалинликни биз $s=2 \text{ мм}$ деб қабул қиламиз.

Ушбу миқдорий қийматларни () тенгламага қўйсақ:

$$\delta = \frac{PD}{2\delta_{\text{дох}}\varphi - P} + C = \frac{48 \cdot 140}{2 \cdot 1460 \cdot 0,8 - 48} + 0,2 = 2,8 \text{ см}$$

$\frac{H}{D} = 0,25$ да ажраткич остки деворининг қалинлиги юқоридаги тенгламадан

аниқланади ва у 2,8 см га тенг.

5.1. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида зич беркитилган тизимлар кенг қўлланилади. Бу тизимлардан фойдаланувчилар учун хавф манбаи бўлиб ҳисобланади, шу сабабли уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш лойиҳалаш жараёнидан бошланиб, тайёрлаш, ишлатиш, ва улардан керакли мақсадларда фойдаланиш даврида белгиланган қоида ҳамда меъёрларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

Уларни тайёрлашда “Ўздавтоғтехназорат” ходимларининг талабларга жавоб берадиган юқори сифатли махсус таёрланган материаллардан фойдаланилади.

Босим билан ишлайдиган қурилмалар ва идишлар жумласига буғ қозонлари, буғ қабул қилгичлар, буғ ва қайноқ сув қувурлари, компрессорлар, автоклафлар, сиқилган ҳамда суюлтирилган газлар сақланадиган ва ташиладиган баллонлар ҳамда цистерналар киради. Улардан хавфсиз фойдаланишга заҳира коэффиценти катта бўлган энг мақбул қурилмаларга сақловчи ва назорат ўлчов асбоблари ўрнатиш йўли билан эришилади.

Бундай жиҳоз ва ускуналарнинг ишдан чиқиши ва портлашига механик мустаҳкамлигининг йўқолиши, босимнинг меъёрий кўрсаткичидан ошиб кетиши, беркитувчи ускуналар ва қурилмаларнинг зичлигини бузилиши, ишлатилаётганда белгиланган тартибга риоя қилмаслик, тегишлича назоратнинг олиб борилмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

Босим билан ишлайдиган идишларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш зарур.

Қоидаларда идишлар геометрик тузилиши тўғри бўлишига, уларнинг фойдаланиш жойида тўғри ўрнатилишига, ашёларнинг мос танланишига ва уларнинг мустаҳкам бўлишига идишларни тайёрловчи ҳамда ўрнатувчи ташкилотлар жавобгар ҳисобланади.

Босим билан ишлайдиган идишларни қувурлардан узиб қуйиш учун улар беркитувчи арматура (вентил, жумраклар, сурилма қопқоқлар) билан, сақловчи тузилмалар, муқим ҳарорати ва босимини ўлчовчи асбоблар, суюқлик миқдори (сатҳини) кўрсатувчи мосламалар билан таъминланган бўлиши керак.

Баллонларнинг тўлдирилган газларни бир-биридан фарқлаш учун улар маълум ранглар билан бўялади ва газнинг номи ёзилади. Бундан ташқари баллон бўғзининг текис қисмига тайёрлаган заводнинг товар белгиси, тайёрланган оyi ва йили, синалган вақти ва саноатда хавфсизликни таъминлаш назорати қоидаларига асосан кейинги синаш даври ёзиб қўйилади.

Баллонлар тўлдириш масканларида уларнинг қолдиқ ички босими 0,05 МПа дан кам ва 0,10 ортиқ бўлмаслиги керак, қолдиқ газ баллонда қандай газ борлигини билдиради. Ишлаб чиқариш корхоналарида сиқилган кислородли ва ацетиленли баллонлардан кенг фойдаланилади

Газ баллонларининг портлаши унда қандай газ сақланаётганлигидан қатъий назар, ниҳоятда хавфли ҳисобланади.

Яшиндан ҳимояланиш, бу яшиндан ҳимояланишнинг тизимли тадбири бўлиб, у инсонларни, бино ва қурилмаларни портлашлардан, ёнишдан ва бузилишлардан ҳимоялайди.

Яшиндан ҳимояланиш яшинқайтаргичлар орқали амалга оширилиб, улар стерженли, тресли ва тўрли кўринишларда бўлади.

Саноат корхоналарини лойиҳалаш, қуриш ва қайта таъмирлаш жараёнларида ёнғинга қарши ташкилий, техникавий чора тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ушбу ёнғинга қарши кўрилган чора-тадбирлар қаторига, ёнғинга қарши тўсиқларни кўрсатиш ва уларни корхонани лойиҳасини тайёрлашда ҳамда қурилиш жарёнида, қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ёнғинга қарши тўсиқлар таркибига, ёнғинга қарши деворлар, бино эшиклари ва деразалари, саноат корхоналарига ва бевосита биноларига кирувчи асосий ҳамда ёрдамчи дарвозалар, люклар, тамбур – шлюзлар киради.

Ёнғинларга қарши тўсиқ воситалари, ёнғинга қарши тура оладиган ма-териаллардан тайёрланган бўлиши ва қуйидаги ўтга чидамлилиқ чегараси даражасига эга бўлиши керак.

5.2. Атроф – мухит муҳофазаси

Нефт ва газ саноати халқ хужалигидаги атроф-мухитга энг катта салбий таъсир курсатувчи саноатлардан бири булиб ҳисобланади.

Нефт ва газ саноатини атроф-мухитга таъсир этишини баҳолаганда асосий салбий таъсир этувчи моддаларнинг табиий газлар, нефт ва конденсатни йиғиш, тайерлаш ва қайта ишлашда куплаб микдорда колдик карбонсувчилларни екиб юборишда ҳосил булишлиги аникланди. Шунингдек, заминни, ер ости сувларини ифлослантириш оқова ва технологик чиқинди сувлар, эритмалар ва реагентларни чиқазиб ташлаш натижасида бу ходиса юз бермокда. Кудук бургилашда бургилаш эритмаси курсаткичларини бир меъерда ушлаб туриш еки узгартириш учун хар турдаги кимевий реагентлардан фойдаланилади. Ана шу реагентлар тукилиши, эритмани ховузларга чиқариб ташлаш, кудукни синаш вақтидаги карбосувчилларни атмосферага еки катта ховузларга чиқазиб ташлаш натижасида атроф-мухитга сезиларли даражада салбий таъсир курсатилади. Нефт ва газни қайта ишлаш, уларни тозалашда куплаб зарарли моддалар атмосферага чиқазиб ташлаш еки ерга тукилишидан атроф-мухитга таъсир курсатиш холлари юзага келмокда. Кудукларни узлаштиришда, синашда ва таъмирлашда ҳам куплаб реагентлар ерга тукилишидан атроф-мухитга катта таъсир курсатмокда.

Конларда нефтни тайерлаш жараенида купинча ажратилган катлам сувлари махсус буглагич ховузларга йуналтирилади. Ана шундай холларда ховузларга сув билан биргаликда нефт ҳам баъзан чиқазиб юборилади. Бунинг натижасида буглатгич ховуздаги катлам сувлари юзаси нефт пардаси билан копланади. Бунинг натижасида карбонсувчилларнинг атмосферага бугланиши холати юзага келади. Нефт пардаси калинлашиб колганда эса ховузга кунган паррандалар еки сув ичиш учун келган хайвонлар нобуд булиш холлари куплаб учраб туради.

Магистрал газ кувурларида содир буладиган турли авариялар натижасида улар оркали ташилаётган газлар атмосферага таркалади. Натижада, атроф – мухит компонентлари: гидросфера: метосфера, атмосфера ва биосфера булганади.

Хар кандай моддалар сингари нефт ва унинг махсулотлари, газлар маълум зарарли курсатгичларга эга булиб, атроф – мухит компонентининг ташкил

этувчиларининг (инсонларни, хайвонот ва усимлик дунёсини) экологик шароитларини ёмонлаштиради.

Магистрал кувурлардан тукилган нефт ва унинг махсулотлари, ернинг биологик унумдорлигини пасайишига олиб келади. Амалий кузатишларга (текширишларга) караганда, нефт ва унинг махсулотлари билан ифлосланган ерга экилган усимликнинг, нефт билан ифлосланмаган ерга экилган усимликларга караганда, буйининг 3–4 марта паст булиши хосилдорлиги эса 5–6 марта пасайиши аниқланган.

Олтингугурт ангидрид (SO_2) инсон ва усимликлар учун захарли модда хисобланади. Бу рангсиз, кучли хидли газ булиб, унинг хаводаги концентрацияси $20-50 \text{ мг/м}^3$ булганда нафас йулларини, куз ликопчаларини яллигланишини содир этади. Ундан юкоридаги концентрациясида бугилиш, хушидан кетиш ходисалари содир булади. Нам атмосфера хавода SO_2 сув томчиси билан сульфат кислотасининг аэрозолини хосил килади. Нафас олганда, нафас йуллари ва куз копкогини яллиглантиради. Ундан ташкари, усимликларда тана жароҳатларини хосил этади. Ерга тукилган нефт ва унинг махсулотларининг ёниши натижасида ердаги усимликлар ва яшовчи тирик организмлар нобуд булади.

Хар бир модданинг зарарли хусусиятларини хисобга олиб, уларнинг атмосфера, сувдаги рухсат этилган концентрациялари белгиланган (ПДК). Моддаларнинг рухсат этилган концентрацияда инсонлар организмда чексиз вақт давомида, патологик узгаришлар ёки касалликлар содир булмайди. Масалан, нефт махсулотларининг сувдаги рухсат этилган концентрацияси: балик хужалиги учун 0.05 МГ/л , ичимлик сувлари учун $0,1 \text{ МГ/л}$ га тенг. Моддаларнинг бир маротаба рухсат этилган концентрацияси, шу моддаларнинг ишлаб чиқариш жойлари учун белгиланган, яъни инсон шу жойда канча вақт булишлиги аниқланади. Уртача суткалик рухсат этилган концентрация курсатгичида, инсон чексиз вақт давомида уз фаолиятини давом эттиради.

Куйидаги жадвалда аҳоли яшайдиган жой хавосидаги айрим моддаларнинг рухсат этилган концентрациялари келтирилган.

Модда	ПДК МГ/м^3		Модда	ПДК МГ/м^3	
	Юкори бир	Уртача суткалик		Юкори бир	Уртача суткалик
Аммиак	0.2	0.2	SO_2	0.5	0.05
Бензин	5	1.5	H_2S	0.008	0.008
Бутан	200	-	Углерод	3	1
Метанол	1	0.5	Этилен	3	3

Бир вақтнинг узида атмосферада бир нечта зарарли моддалар мавжуд булса, уларнинг умумий концентрациялар йигиндиси бирдан катта булмаслиги керак.

$$C = c_1 / \text{ПДК}_1 + c_2 / \text{ПДК}_2 + \dots + c_n / \text{ПДК}_n \leq 1$$

Бу ерда : c_1, c_2, c_n - бир жойдан зарарли моддаларнинг концентрациялари;

$\text{ПДК}_1, \text{ПДК}_2, \text{ПДК}_n$ - зарарли моддаларнинг максимал рухсат этилган концентрациялари.

Юкорида айтиб утилган муаммоларни тезлик билан хал қилиниши шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири булиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А. Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.
2. И.А. Каримов. “Баркамол авлод орзуси”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент., 2000 - 245 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Таълим – тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”. Тошкент: 1997 й.,6 октябрь
4. Акрамов Б.Ш., Сидиқхўжаев «Нефт ва газ иши асослари» Дарслик, Тошкент 2003 й.
5. Б.Ш. Акрамов “Нефт конларини ишлаш” Услубий кулланма, Тошкент, 1995й.
6. Р.К. Сидиқхўжаев “Нефт ва газ иши асослари”. Услубий кулланма, Тошкент, 1999й.
7. «Трубопроводный транспорт нефти и газа». Учебник под редакцией Юфина и др. М. 1978 г.
8. С.К.Камалов. «Нефт, газ ва нефт маҳсулотларини ташиш ва саклаш» фанидан маъруза матнлар туплами.Тошкент, ТДТУ, 1999 йил.
9. Н.Ф.Юсупова, С.К.Камалов. «Нефт, газ ва нефт маҳсулотларини ташиш ва саклаш» фанидан тажриба ишларини бажаришга оид методик курсатма. ТДТУ, 2003 йил.
- 10.Ж.Т. Бозоров, Тошев.Ш.О. «Нефт, газ ва нефт маҳсулотларини ташиш ва саклаш» фанидан маъруза матнлар туплами. Бухоро, Бух.ОО ва ЕСТИ,2006 й.

11. Г.С. Лутошкин «Сбор и подготовка нефти, газа и воды к транспорту» Москва, «Недра», 1972 й.
12. А.И. Гужов, В.Г. Титов, В.Ф. Медведев, В.А. Васильев «Сбор, транспорт и хранение природных углеводородных газов» Москва «Недра» 1978 й.
13. Ю.П. Каратаев, А.И. Ширковский «Добыча, транспорт и подземное хранение газа» Москва «Недра» 1984 й.
14. Ю.П. Каратаев, Б.П. Гвоздев, А.И. Гриценко, Л.М. Саркисян. «Подготовка газа к транспорту». Москва «Недра» 1973 й.
15. К.С. Каспарьянц «Промысловая подготовка нефти» М. «Недра» 1966 й.
16. В.И. Черников «Перекачка вязких и застывающих жидкостей» М. Гостоптехиздат 1958 й.
17. Р.Т. Эмирджанов «Основы технологических расчётов в нефтепереработке». М.: «Химия». 1965 г.
18. Тугунова. П.И и др. «Транспорт и хранения нефти и газа». М., «Недра», 1975 г.
19. Бунчук и др. «Транспорт и хранение нефти, нефтепродуктов и газа». М., «Недра», 1977 г.
20. Березин. Б.Л, Бобрицкий. Н.В и др. «Трубопроводный транспорт нефти и газа». М., «Недра», 1972 г.
21. И.М. Муравьев. «Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений». М. «Недра», 1970 г.
22. Булатов А.И. "Справочник по креплению нефтяных и газовых скважин". М., "Недра", 1977 г.